

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

13 Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 40-бандига қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий мулкнинг иқтисодиётдаги улуши ва аҳамиятини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 28 апрелдаги ПҚ–2340-сон қарорига мувофиқ, шунингдек мулкнинг айрим турларига мулк ҳуқуқини расмийлаштириш масалаларини тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 январдаги 1-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 1-сон, 1-модда) билан тасдиқланган Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 40-бандига қуйидаги мазмундаги иккинчи — тўртинчи хатбошилар қўшилсин:

«Корхонага бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ордер асосида мазкур хусусийлаштирилган корхонанинг қуйидаги кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқи (қонунга мувофиқ хусусийлаштирилмайдиган объектлар бундан мустасно) давлат рўйхатидан ўтказилади:

хусусийлаштирилган корхоналардаги давлат мулкни хусусийлаштиришда аниқланмаган кўчмас мулк;

хусусийлаштиришда тасарруф этиш ҳуқуқисиз фойдаланишга берилган, корхона ҳудудида жойлашган кўчмас мулк».

2. Вазирликлар ва идоралар ўзларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирадилар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — молия вазири Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 11 январь,
6-сон